

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 146 (11.207)

Баҳоси эркин нархда

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Тошкент, Сирдарё ва Самарқанд вилоятларида 2008 йилнинг биринчи чорагида ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва жорий йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг устувор вазифалари ижросини таъминлашга бағишланган фаоллар йиғилишлари бўлиб ўтди. Йиғилишларда Президентимизнинг шу йил 8 февралда Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида белгилаб берилган вазифаларнинг бажарилиши муҳокама этилди.

• Нукус шаҳрида диний-маърифий соҳаларда амалга оширилаётган ишлар самардорлигини янада юксалтириш масалаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

• Мамлакатимиз мустақиллигининг 17 йиллиги арафасида «Маҳалла» жамғармасининг Тахиятош шаҳар бўлинимаси томонидан бир қатор хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, бўлинима томонидан янги оила қураётган 20 жуфт ёшга никоҳ тўйини ўтказиш учун моддий ёрдам кўрсатилди, 12 та ёш оила олинган имтиёзли кредит ҳисобидан турмуш шароитини яхшилаб олди.

• «Файз бинокор» МЧЖ қўли гул қурувчилари томонидан Бағдод тумани Кенағас қишлоғида сервис ва маиший хизмат касбхунар коллежининг биноси муддатидан аввал тиклаб, фойдаланишга топширилди. Илм ва касб-хунар ўрганиш учун барча шарт-шароит мавжуд бўлган 580 ўринли коллежда талабалар бешта йўналиш бўйича таҳсил оладилар.

• Жиззах шаҳридаги «Жамзаобод» фуқаролар йиғини «Экология ва саломатлик кунлари» республика кўрик-танлови голиби сифатида «Экосан» халқаро жамғармасининг дипломи ва 4 миллион сўм пул мукофотини қўлга киритди.

• Мамлакатимиз мустақиллигининг 17 йиллигини муносиб нишонлаш ҳамда «Ёшлар йили» Давлат дастурида белгиланган тадбирларга мувофиқ Навоий шаҳридаги «Фарход» маданият саройида «Ёшлар ишончимиз, таянчимиз ва келажагимиздир» дея номланган фотокургазма ташкил этилди.

• Қорақалпоғистон Республикасининг Амударё туманида чорвачилик истиқболларига бағишланган кўргазмали семинар бўлиб ўтди. Унда Тўртқўл, Беруний ва Элкқалъа туманларидан ҳам соҳа вакиллари иштирок этди.

ЖАҲОНДА

• Кеча Нью-Йоркда Грузия ва Абхазия можароси бўйича БМТ Хавфсизлик Кенгашининг ёпик эшиклари ортда ўтказилган йиғилишида можарони ҳал қилишнинг бир нечта йўллари тақлиф этилди. Россия томонининг тақлифи кўра эса ҳар иккала давлат ўртасида куч ишлатмаслик тўғрисидаги битим имзоланиши керак.

• Кеча Радован Каражич Сербиядан Голландиянинг Гаага шаҳрига жўнатилди. У эндиги собиқ Югославия бўйича халқаро трибуналда амалга оширган ҳарбий жиноятлари учун жавоб беради. Шу муносабат билан кеча Белградда Каражич тарафдорлари томонидан 10 минг кишилик норозилик намоийиши ўтказилди.

• Кеча дипломатик можаро пайтида Ливияда ҳибсга олинган икки нафар Швейцария фуқароси озодликка чиқарилди.

• Кеча Япония даъвогарлик қилаётган Токто оролида Жанубий Кореянинг кенг қўламдаги ҳарбий йиғинлари бошланди.

• Эквадор ҳукумати АҚШ раҳбариятига Марта шаҳридаги ҳарбий базани тарқ этишларини сўраб расмий мурожаатнома юборди.

• «Фунвон» бўронининг Хитойга хуружи натижасида мамлакатга 139 миллион долларлик зарар етди, бўрон хуруж қилган жойларда 1,5 миллион аҳоли турли даражада жабрланди.

• Кеча Россиянинг Кемерово областидаги шахталардан бирида метан газининг ёниши оқибатида 17 нафар қончи жароҳатланди, улардан тўрт нафари оғир аҳволда реанимацияга жойлаштирилди. Ҳозирда ёнгин сабаблари ўрганилмоқда.

• Ҳиндистон полицияси ходимлари мамлакатнинг гарбий қисмида жойлашган Гуҷарат штатининг Сурат шаҳри ҳудудидан 10 та кўпорувчилик мосламаларини топиди. Маълуотларга кўра, еттига бомба зараризланган, сапёрлар қолганларини ҳам зараризлантириш устида иш олиб боришмоқда. Портловчи мосламалар шаҳарнинг энг гавжум ҳудудларида ўрнатилган экан.

• Jointech компанияси жаҳондаги энг арзон бўлган ноутбукларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. «JL7100» русумли мазкур ноутбукнинг оғирлиги 680 граммдан иборат бўлиб, одатдаги компьютерлар бажара оладиган барча юмушларни ўзида мужассам этган бундай мўъжаз ноутбукнинг нархи 99 АҚШ долларига тенг.


• Аргентинада тиббийёт соҳасида илк бор жарроҳлик амалиёти робот-шифокор томонидан амалга оширилди. «Леонардо Да Винчи» деб номланган жарроҳ-робот простата безидаги хавфли ўсимтанга олиб ташлашдек мураккаб операцияни сифатли ва тез бажарди. Унинг тўртта қўли бўлиб, биттасига энг кичик заррани ҳам пайқаб оладиган видеокамера жойлаштирилган. Шифокорлар бу темир врачни юрак соҳасидаги жарроҳлик амалиётида ҳам синиб қўриш ниятида эканликларини айтишди.

*Истиқлол — бизнинг
борлигимиз, шону шуҳратимиз,
эркин ва фаровон
келажагимиз гаровидир*

17 йил МУСТАҚИЛЛИК

ЮРТИМИЗДА 18 ЁШГАЧА БЎЛГАН ЁШЛАР АҲОЛИНИНГ ТАХМИНАН 40 ФОИЗИНИ, 30 ЁШГАЧА БЎЛГАНЛАР ЭСА 64 ФОИЗИНИ ТАШКИЛ ЭТАДИ. ЎЗБЕКИСТОН — ЁШЛАР МАМЛАКАТИ, ДЕГАНДА АВВАЛО ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВ ТОМОНИДАН ЁШ АВЛОДГА КЎРСАТИЛАЁТГАН ЮКСАК ЭЪТИБОР ВА ҒАМХЎРЛИК САМАРАЛАРИ ҲАМДА АНА ШУ РАҚАМЛАР КЎЗ ЎНГИМИЗДА ГАВДАЛАНДИ.

«Ёшлар йили» ДАВЛАТ ДАСТУРИ ДОИРАСИДА БИРИНЧИ ЯРИМ ЙИЛЛИҚДА ЁШЛАРНИ МОДИЙ ВА МАЪНАВИЙ ҚўЛЛАБ-ҚўВВАТЛАШГА ДОИР ТАДБИРЛАРНИ МОЛИЯЛАШТИРИШГА 702 МИЛЛАРД СЎМ МАБЛАҒ АЖРАТИЛГАНИ, ЁШ ОИЛАЛАРГА УЙ-ЖОЙЛАР СОТИБ ОЛИШ, УЛАРНИ РЕКОНСТРУКЦИЯ ҚИЛИШ ВА ҚўРИШ УЧУН 17,1 МИЛЛАРД СЎМ ИПОТЕКА КРЕДИТЛАРИ БЕРИЛГАНИ БУ БОРАДА ЭРИШИЛГАН НАВБАТДАГИ ҚўВОНАРЛИ НАТИЖАЛАРДИР.



ИШОНЧ ВА ИҚТИХОР БИДАН ЯШАШ ИНСОНГА ҚАНОТ БАҒИШЛАЙДИ

Соғлом авлод орзуси

Мустақиллик йилларида Юртбошимиз раҳнамолигида халқимизнинг қаддини кўтаридиган, шаён-шавкатини улуглайдиган, гурурига гурур қўшадиган ва асрий орзулари рўёбга чиқиши учун замин яратадиган қўлдан-қўл хайрли ишлар амалга ошириляётган.

Халқ соғлиги — юрт болиги, дейдилар. Ана шу ҳикматли мақолда олис тарихда ўтган не-не буюк аждодларимиз, хусусан, Амир Темурнинг соғлом авлод, соғлом халқ ҳақидаги орзу-хаваслари, қарашлари яққол ифодасини топгандир. Халқ саломат бўлса, юрт обод, тинч-фаровон бўлади, деган ақидадан келиб чиққан Соҳибқирон ҳақимлар, табибларни, яъни халқ саломатлиги посбонларини ҳурмат қилган, уларнинг меҳнатини юксак эъзозлаган.

Соҳибқирон бобомизнинг сийрат-саломатлик масалаларига нафақат давлат арбоби, балки оддий инсон сифатидаги ёндашуви ҳам ҳаётийлиги ва мантыйқий асосланганлиги билан ажралиб туради. Шунинг учун бу қарашлар ҳозирги кунга қадар ўзининг долзарблигини йўқотмай келмоқда.

Амир Темур ҳаммадан, фарзандлари ва невараларидан ҳам оилавий масалаларга ҳамisha шаръий ёндашишни, покиза, ҳалол бўлишни талаб қилган. У аёлларнинг шарм-ҳаёли, ифатли, оқила бўлишини истаган, келинларига нисбатан ниҳоятда меҳрибон ва шафқат-

ли бўлган. Улар учун ҳамма шарт-шароит муҳайё этилган.

"Миллатнинг дардларига дармон бўлмоқ — вазифангиздир" — бу ҳикматли шиор шавкатли бобоқалонимиз маънавияти бебаҳо дурдоналаридан бир шингил, ҳолос. Амир Темур маънавияти улкан манба, туганмас булоқ бўлиб, ҳозирги кунда миллий истиқлол ғоясини ҳаётимизга кенг жорий қилиш йўлида айниқса муҳим аҳамият касб этмоқда.

Биз ўз фарзандларимиз ва набираларимиз билан фахрланишни истасак — улар замонавий билим ва таҳрибага эга, иймонли-эътиқодли бўлишларига, Ватанимиз тарихида ўчмас из қолдирган буюк аждодларимизнинг ишларини давом эттиришларига эришмоғимиз лозим.


Истиқлол бу борада бизга буюк имкониятларни ато этди. Юртбошимиз ташаббуси билан мамлакатимизда ҳаёт сифатини юксалтиришга қаратилган ҳаракатларимиз ўзининг улкан самараларини бермоқда.

Ислом Каримовнинг "Ватанимиз ва халқимизга садоқат билан хизмат қилиш — олий саодатдир" (Тошкент, "Ўзбекистон", 2007) китобида қайд этилишича, бугун балоғат ёшидаги болаларимизнинг бўйи аввалгига нисбатан ўртача 5 сантиметрга, вазни 4-8 килограммга ортгани, кўкрак қафасининг эса 6-8 сантиметрга кенгайгани қузатилмоқда.

Бу, ҳеч шубҳасиз, мустақиллик даврида

тиббий хизмат кўрсатишни яхшилаш, тиббий маданиятни ошириш ва умуман, соғлом зурриётни, барқамол авлодни тарбиялаш йўлидаги амалий ишларимиз ижобий натижалар бераётгани, униб-ўсиб келаётган ёш авлод жисмоний ва маънавий нуқтаи назардан соғлом шароитда ҳаётга қадам қўяётганининг ёрқин далилидир.

(Давоми 2-бетда).



Кечка сатрларда

• **ЯҚИНЛАШИБ** келаётган юртимиз Мустақиллигининг 17 йиллиги ҳамда Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига тўхфа сифатида жорий йилнинг биринчи ноябригача пойтахтимизга Германиядан янги русумдаги «Мерседес-Бенц» автобусларидан 200 таси, Россиядан 30 та трамвай ҳамда Самарқандда ишлаб чиқарилаётган «Исузу» микроавтобусларидан 150 таси келтириладиган бўлди.

• **АЙНИ** кунларда Собир Раҳимов туманида «Камолот» ЕИХ Марказий Кенгашининг «Бунёдкор-2008» лойиҳаси доирасида қуриляётган кўп қаватли уйлар Тошкент архитектура ва қурилиш институти талабалари томонидан бунёд этилмоқда.

• **КЕЧА** Миробод туманидаги Ғафур Ғулум номли маданият уйида тикиш-бичиш курси ташаббуси билан «Очиқ дарс» тадбири уюштирилди.

• **ҲАМЗА** туманидаги 61, 151-мактаблар қошида ташкил этилган ёш болалар соғломлаштириш оромгоҳларида туман халқ таълими бўлими, туман маданият ва спорт ишлари бўлими ҳамда «Камолот» ЕИХ туман бўлими Кенгаши ҳамкорликларида уюштирилган тадбирлар «Ез — ўтмоқда соз» деб номланди.

• **ТОШКЕНТ** хайвонот боғида Австралиядан келтирилган хайвонлар сони яна биттага кўпайди. Қуни кеча бу ерда кенгуру боласи дунёга келди.

• **ЎЗБЕКИСТОН** Фанлар академияси қошидаги Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси илмий-тектириш институтида генетик олимлар иштирокида уюштирилган илмий-амалий анжуманда маданий ўсимликларнинг ёввойи турларини асраш ҳамда улардан оқилона фойдаланиш зарурлиги таъкидлаб ўтилди.

• **ТАДБИРКОРЛАР** ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон либерал-демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгаши ташаббуси билан Мирзо Улугбек туманида партия фаоллари малакасини ошириш мақсадида семинар ташкил этилди.

• **ШАҲРИМИЗДА** ветеринария хизмати мутахассислари иштирокида уюштирилган тадбирда мамлакатимиз халқаро миқёсда қорамол ўлатидан ҳоли ҳудуд деб топилганлиги таъкидланди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Аxbорот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).

ФРАНЦИЯ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ЎЗБЕКИСТОНДА

МАМЛАКАТИМИЗГА ТАШРИФ БУЮРГАН ФРАНЦИЯНИНГ ЕВРОПА ИШЛАРИ БЎЙИЧА ДАВЛАТ КОТИБИ ЖАН-ПЬЕР ЖУЙЕ РАҲБАРЛИГИДАГИ ДЕЛЕГАЦИЯ 29 ИЮЛЬ КУНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ РАИСИ ИЛГИЗАР СОБИРОВ БИЛАН УЧРАШДИ.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Франция ўртасидаги алоқалар барча йўналишларда, жумладан, парламентаризм соҳасида ҳам изчил ривожланиб бораётгани таъкидланди.

Музокарада Президент Ислом Каримовнинг 2008 йил 1 майда қабул қилинган "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган тадбирлар Дастури тўғрисида"ги Фармони Ўзбекистон умуминсоний қадриятларга содиқлигининг яна бир далили бўлгани алоҳида қайд этилди. Меҳмонлар мамлакатимиздаги демократик жараёнлар, қонун устуворлиги ва

ижтимоий адолатни таъминлаш ҳамда фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ҳамда манфаатларини ҳимоя қилиш борасида амалга ошириляётган кенг қамровли ислохотларга юксак баҳо бердилар.

— Ўзбекистон — Марказий Осиёдаги қудратли мамлакатлардан, — деди Жан-Пьер Жуйе. — Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари барча соҳаларда изчил ривожланиб бормоқда. Ташриф асносида юртингизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасида амалга ошириляётган кенг қўламли ислохотлар юксак самаралар бераётганининг гувоҳи бўлдим. Ўзбекистон қисқа давр

ичида ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш борасида улкан муваффақиятларга эришгани диққатга сазовор. Биз юртингизда халқ фаровонлигини юксалтириш йўлида амалга ошириляётган изчил ислохотларни қўллаб-қувватлаймиз. Мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни ҳамда икки томонлама дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлаш тарафдоримиз.

Учрашувда Ўзбекистон ва Франция олий қонун чиқарувчи органлари ўртасидаги муносабатларнинг бугунги аҳволи ва истиқбол юзасидан атрофлича фикр алмашилди. Томонлар икки мамлакат парламентлари ўртасида ўзаро таҳриба ва ахборот алмашувини фаоллаштириш зарурлигини ҳамда алоқаларни янги босқичга кўтариш учун барча имкониятлар мавжудлигини таъкидладилар.

Франция делегацияси Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида ҳам музокара ўтказди. (ЎзА)

ИНСОН САЛОМАТЛИгини АСРАШ, СОГЛОМ АВЛОД ТУГЎЛИШИ ВА КАМОЛГА ЕТИШИНИ ТАЪМИНЛАШ, ОНАЛИК ВА БОЛАЛИКНИ МУҲОҒАЗА ҚИЛИШ ЮРТИМИЗДА ТИББИЙ ИЖТИМОЙ ЖАБҲАДА ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН ИСЛОХОТЛАРНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИДАНДИР. БУ БОРАДА ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ДАВЛАТ ДАСТУРЛАРИДА БЕЛГИЛАНГАН ВАЗИФАЛАР ҲАЁТГА ИЗЧИЛЛИК БИЛАН ТАТБИҚ ЭТИЛАЁТГАНИ ЎЗ САМАРАЛАРИНИ БЕРАЁТИР.

Фармон ва ижро

ОИЛАВИЙ ПОЛИКЛИНИКАЛАР — ХАЛҚ ХИЗМАТИДА

Президентимиз Ислом Каримовнинг "Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида"ги Фармони бу борадаги ишлар қўламини янада кенгайтиришда муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Мазкур дастурда белгиланган вазифаларни ҳаётга татбиқ этишда етакчи тиббий-илмий марказлар, клиникалар, шифоналар билан бир қаторда оилавий поликлиникалар томонидан ҳам кенг қўламли ишлар амалга ошириляётган. Пойтахтимизнинг Чилонзор туманидаги 39-оилавий поликлиника фаолияти бунга мисолдир.

(Давоми 2-бетда).

